

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 27-avgust, payshanba

36 (9408)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

БУЮК МЕРОСНИНГ ЯНГИ ТАЯНЧ НУҚТАСИ ЖАҲОН МЕДИА ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА

Тошкент ва Самарқандда ўтказилаётган “Ислом цивилизацияси: янги нигоҳ – янги кашфиётлар” халқаро медиа форуми дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан қарийб 300 нафар етакчи медиа вакиллари, олимлар, ижодкорлар ва рақамли соҳа мутахассисларини бир майдонга жамлади.

Айниқса, “Euronews”, “CNN”, “BBC” ва “Al Jazeera” каби етакчи медиа брендларининг конференцияда бош ахборот хамкорлари сифатида иштирок этаётгани унинг халқаро қўлима ва аҳамиятини янада оширмоқда.

Истиқолимиизнинг 35 йиллиги арафасида ўтаётган ушбу нуфузли ййинг ўлканинг бой цивилизацияон меросини жаҳон ҳамжамиятига янгича мазмунда тақдим этиш учун муҳим халқаро майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Форумнинг биринчи ялпи сессияси “Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази – буюк мероснинг янги таянч нуқтаси” мавзусида бўлиб ўтди. Ўза мухбири мазкур анжуманинг аҳамияти, унда илгари сурилаётган ташаббуслар ва ислом цивилизацияси меросини халқаро ахборот маконида кенг тарғиб этиш имкониятлари хусусида форумда иштирок этаётган хорижий ОАВ вакиллари фикрларини ёзиб олди.

Ахмад Ал Бусаиди, “Oman TV” телеканал-мухарири (Ўмон):

– Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳақиқатан ҳам мафтунок маскан. Бу ерда улкан тарих, бой илмий-маърифий мерос мукассам. Фикримча, мазкур форумнинг асосий мақсади – Ислом цивилизацияси марказида амалга оширилаётган ишлар, яратилган имкониятлар ва илмий-маърифий салоҳиятни халқаро жамоатчиликка етказиш, уларнинг аҳамиятини янада оширишдан иборат. Бу жуда муҳим.

Ўлкангиз муваффақиятларини кенг намоён этишда бу каби ташаббуслар яна давом этишини истайман. Зеро, Ўзбекистон ислом цивилизациясини шунчаки ёзма тарих сифатида эмас, балки бугунги кун учун долзарб бўлган улкан маънавий мероси, тинчлик ва маърифат тисосини сифатида қайта намоён этмоқда.

Айрим мамлакатларда ёки турли оммавий ахборот воситалари майдонида Ўзбекистон ҳали етарлича танилмаган ёки кам тилга олинган мамлакат, деган қараш бўлиши мумкин. Аммо ушбу форумда иштирок этиб, унинг ортида турган улкан меҳнат, тайёргарлик жараёнлари ва юртингизда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишганимдан сўнг, менда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётган ва минтақада етакчи мавқега эга давлат сифатида қайта намоён бўлди.

Бу нафақат мамлакатингиз, балки бутун минтақа учун ҳам ниҳоятда муҳим. Чунки республиканинг тараққиёти ва унинг тарихий-маданий меросини дунёга кенг намоён этиши Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги нуфузини

янада оширишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган Истиқлол байрами билан самимий муборакбод этаман. Юртингизга тараққиёт ва фаровонлик, халқингизга эса мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва тинчлик-хотир-жамлик тилайман.

Парвана Султанова, “525.az” янгиликлар портали Халқаро алоқалар бўлими раҳбари (Озарбайжон):

– Ушбу нуфузли ййинда медиа соҳасидаги янги ёндашувлар, хусусан, сунъий интеллект билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Биласизми, бу технологияларни қандай жорий этиш, улардан самарали ва тўғри фойдаланиш масаласи бугунги кун учун жуда муҳим. Шунингдек, форумда Мирзо Улугбек каби тарихий шахслар ва уларнинг илмий мероси ҳақидаги мулоҳазалар ҳам мен учун жуда қизиқ бўлди.

Анжуманда турли соҳалардаги мутахассис ва экспертлардан янги трендлар, замонавий ёндашувлар ва илгор тажрибаларни ўрганиш имкониятига эга бўлялмиз. Ўйлайманки, ушбу конференция барчамиз учун, айниқса, келгусидаги фаолиятимизда янги ёндашувларни қўллаш нуқтаи назаридан анча фойдали бўлади.

Павел Новотни, “Hospodářské noviny” газетаси иқтисодий шарҳловчиси (Словакия):

– Мен юртингизда тўрт марта бўлганман. Бу ерга биринчи марта 2019 йилда келган эдим. Ўша пайтдаги Ўзбекистон билан бугунги Ўзбекистонни солиштирсам, жуда катта ўзгаришлар бўлганини кўрайман. Айниқса, Тошкент жуда замонавий шаҳарга айланибди. Ўзбек халқи меҳмондўст ва хорижликларга доим дўстона муносабатда бўлади. Бу ерда бўлиш менга чиндан ҳам катта завқ бағишлайди.

Бугунги глобаллашув замонида Марказий Осиё мамлакатларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида хорижий ўлкалар билан самарали, очик ва фаол ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, Словакия ва Ўзбекистон ўртасида ҳам иқтисодий алоқалар ривожлаш билан яқиндан танишганимдан сўнг, менда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётган ва минтақада етакчи мавқега эга давлат сифатида қайта намоён бўлди.

Мен учун ушбу конференцияда иштирок этишнинг аҳамияти ҳам шунда – ўзбек маданияти, тарихи ва бой мероси ҳақида янада кўпроқ билиш имкониятига эга бўлдим.

Ўза мухбири ўткир АЛИМОВ ёзиб олди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим ютуқларидан бири инсон қадрини улуғлаш тамойилининг давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидир.

Бугун ҳар бир фуқаронинг билим олиши, касб эгаллаши, ўз истеъдодини намоён этиши ва меҳнати билан жамият тараққиётига ҳисса қўиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билим ва кўник-

маларни эгаллаши, хорижий тилларни ўрганиши, илмий изланишлар олиб бориши ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириши учун қулай шароитлар яратилаётгани келажагимизнинг ёрқин кафолатидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим, илм-фан, тад-

биркорлик, рақамли технологиялар, ёшлар сиёсати ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ: ҚУРУҚЛИК ЭКОТИЗИМЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) доирасида “Қуруқлик экотизимларини муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни асраш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Анвар Тўйчиев мамлакатимизда қуруқлик экотизимларини ҳимоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Ўрмонлар майдонларини кенгайтириш, чўлланишга қарши курашиш, ерлар деградациясини тўхтатиш ҳамда биохилма-хиллик йўқолишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ўрмонлар майдони 4,7 миллион гектарга етказилди. Бундан ташқари, Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 мил-

лион гектар майдонда яшил қопламалар барпо қилиниб, қўкаламзорлаштириш ишлари жадал олиб боришмоқда. Ўзбекистон ҳудудида чўлланиш хавфи ортаётгани, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ҳароратнинг кўтарилиши ва чанг-тўзон бўронлари ҳосил бўлиши, ерлар деградацияси жараёнининг кучайиши соҳани янги ёндашувлар асосида ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Семинарда қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга

қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва биохилма-хилликни асраш нафақат экологик хавфсизликнинг муҳим омили, балки иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий ҳимоя сифатида алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

Барпо этилган ўрмонзорларни сақлаб қолиш, экилган дархат ва буталарни парваришлаш, деградация учраган ерларни тиклаш, яйловларнинг маҳсулдорлиги ва ўсимлик қопламани ошириш, шўрланган ерлар майдонини камайтириш чораларини янада кучайтириш

лозимлиги қайд этилди.

БРМ мақсадларига эришишда парламент, маҳаллий кенгашлар, жамоатчиликнинг иштироки муҳимлигидан келиб чиқиб, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва биохилма-хилликни асраш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш бўйича ҳудудлар кесимида аниқ индикаторлар, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.



Ўза етиштириш: ҲОСИЛДОРЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ АГРОТЕХНОЛОГИК ҚОИДАЛАР

Бугунги кунда ўза етиштиришда юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бир қаторда, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сув ҳамда минерал ўғитлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, ўсимликларни зараркуанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чекланганлиги, тупроқ деградацияси ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб бораётгани шароитида ўза етиштириш технологиясини илмий асосда ташкил этиш ва ҳар бир агротехник тадбирни аниқ муддат ҳамда мақбул меъёрларда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўза майдонларида юқори ва барқарор ҳосилдорликка эришиш биргина агротехник тадбирга эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ бўлган агротехнологик жараёнларнинг ўз вақтида, сифатли ва илмий асосланган тарзда бажарилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ўза етиштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазيري, академик Иброҳим Абдурахмонов томонидан тавсия этилган қуйидаги 8 та асосий агротехнологик қоидага қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур қоидалар

ҳар бир ўза навининг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, маҳсулот сифати ва ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, қуйида ушбу агротехнологик қоидаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг илмий-амалий аҳамиятини таҳлил қилишни жоиз, деб билдик.

Биринчи қоида. Ўза майдонида гектарига камида 200 минг туп соғлом кўчат шакллантириш.

Ўзадан юқори ҳосил олишнинг энг

муҳим шартларидан бири майдонда мақбул ўсимлик қалинлигини таъминлашдир. Ҳосилдорлик, кўсаклар сони, ўсимликларнинг ривожланиши ва гектар ҳисобига олинадиган маҳсулот миқдори кўп жиҳатдан кўчат қалинлигига боғлиқ эканлиги инobatга олинган. Ўза майдонида гектарига камида 200 минг туп соғлом ва яхши ривожланган ўсимлик шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда уруғнинг униб чиқиш энергияси, нав хусусиятлари, тупроқ унумдорлиги, намлик миқдори, экиш муддати ва етиштириш

технологияси ҳисобга олинишини назарда тутилган. Кўчат қалинлиги меъёрдан кам бўлса, ўсимликлар орасидаги бўшлиқ ортиб, ер ва сув ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмайди. Аксинча, ҳаддан ташқари қалин экилганда ўсимликлар ўртасида озуқа, сув ва ёруғлик учун рақобат кучаяди. Шунинг учун ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ва ўза навининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбул кўчат қалинлигини белгилаш зарурлиги кўзда тутилган.

Иккинчи қоида чигит экиш схемаларини замонавий технологияларга мослаштириш бўлиб, анъанавий равишда ўза етиштиришда 90×20, 60×20, см. каби экиш схемаларидан кенг фойдаланиб келинган. Ҳозирги кунда эса интенсив технологиялар асосида ўсимликларнинг майдонда жойлашиш схемаларини ўзгартириш имкониятлари кенгаймоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети ўзининг замонавий инфратузилмаси, малакали профессор-ўқитувчилари ва талабалар учун яратилган қулай таълим муҳити билан ажралиб туради.



Университетда 106 нафардан ортиқ малакали профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бориб, бакалаврият ва магистратура таълим йўналишлари бўйича минглаб ёшларга билим ва кўникмалар бермоқда. Таълим жараёни халқаро стандартлар, илгор педагогик технологиялар ва рақамли таълим ечимлари асосида ташкил этилиб, назарий билимларни амалий кўникмалар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Университетнинг асосий миссияси инновацион фикрлашга эга, касбий компетенциялари ривожланган ва глобал меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардор мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бу эса мустақил Ўзбекистоннинг келажақдаги тараққиёти учун зарур бўлган инсон капиталини шакллантиришга хизмат қилади.


Бугунги талаба – эртанги кун мутахассиси, олими, тадбиркори ва жамият тараққиётининг фаол иштирокчисидир. Шу боис, ТИПУда талабаларнинг нафақат таълим олиши, балки ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Университетнинг “Имкониятлар чексиз, келажақ сизники” тамойили асосида халқаро ҳамкорлик, замонавий таълим, илмий тадқиқот, стартап ва инновациялар, карера ва амалиёт, грант ва стипендиялар ҳамда талабалик ҳаётига оид қўллаб йўналишларда имкониятлар мавжуд. Хусусан, Joint Degree ва Double Degree дастурлари, академик мобиллик ва халқаро алмашинув лойиҳалари талабаларга халқаро таълим муҳитида тажриба орттириш имконини бермоқда. Рақамли таълим платформаларидан фойдаланиш эса билим олиш жараёнининг замонавий ва самарали шаклларини кенгайтирмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

“Дала → тажриба → таҳлил → тавсия → амалиёт” тамойили асосида иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади

Янги Ўзбекистон – янги имкониятлар мамлакати



Муаттархон УСМОНОВА,
Наманган давлат
педагогика институти
доценти, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган барча босқичларда сифатни ошириш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ва илмий салоҳиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Бу жараёнда олий таълим муассасалари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Хусусан, Наманган давлат педагогика институти мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини ошириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш борасида фаол иштирок этаётган нуфузли олий таълим муассасаларидан биридир. Институтда бўлажак ўқитувчилар замонавий педагогик технологиялар, инновацион ёндашувлар ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар ўй-ғуналигиде таълим оломда. Келажак авлодни тарбиялайдиган фойдоли педагогларни тайёрлаш орқали институт Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўймоқда.

Институтда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни инновацион лойиҳаларга жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда замонавий таълим технология-

ларини ўқув жараёнига жорий этиш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий изланишларини рағбатлантириш ва амалий натижаларга йўналтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар институтнинг илмий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда институтимизда нафақат малякали мутахассислар, балки юксак маънавиятли, ватанпарвар ва масъулиятли шахсларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабалар турли маънавий-маърифий тадбирлар, илмий конференциялар, танловлар, инновацион лойиҳалар ва кўнгилчилик ҳаракати орқали ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Янги Ўзбекистоннинг яна бир муҳим жиҳати, миллий қадриятлар ва замонавий тараққиётнинг уйғунлигидир. Аждодларимизнинг бой маънавий мероси, халқимизнинг меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик каби қазиларни бугунги ислохотларнинг маънавий таянчига айланган. Шу билан бирга, дунёнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига дадил қадам ташламоқда.

Бутун ҳар бир юрдошимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорига айланиш имкониятига эга. Илм олаётган талаба, фидокор устоз, шифокор, фермер, тадбиркор, олим ёки оддий меҳнаткаш – барчанинг саъй-ҳаракати мамлакат равнақи учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки тараққиёт фақат давлатнинг эмас, балки бутун жамиятнинг ҳам жиҳатлиги ва масъулияти билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон – бу улкан орзулар рўёбга чиқаётган, илм-фан ва таълим юксалаётган, меҳнат қадрланаётган ҳамда ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётган қутлуғ заминдир. Мана шундай Ватанда яшаш – энг улуг бахт!

“ДОЛЗАРБ 60 КУН” ДОИРАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг шу йил 6 июлдаги фармойишига мувофиқ, республикамиз ҳудудида 5 июлдан 5 сентябргача ёз мавсумида ёнгинлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган “Долзарб 60 кун” тадбири ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда профилактик назоратни кучайтиришдан иборат.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Чилонзор туманида ҳам кенг қўлмали профилактика ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудудий комиссия йиғилишида биринчи йигирма кунлик давомиде бажарилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, эришилган натижалар муҳокама қилинди ҳамда аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан қўшимча вазифалар белгиланди. Йиғилишда барча сектор раҳбарлари, тегишли хизматлар ва ташкилотлар зиммасига масъулиятни янада ошириш бўйича аниқ топшириқлар юклатилди.

Профилактика ишлари жараёнида фуқароларга электр

ва газ жиҳозларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларига амал қилиш, уй-жойларда ёнгин хавфсизлиги воситаларини соз ҳолда сақлаш, болаларни назоратсиз қолдирмаслик ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тартиби бўйича тавсиялар берилди. Маҳаллаларда ўтказилган суҳбатлар ва тушунтириш ишлари аҳолининг хавфсизлик маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

“Долзарб 60 кун” тадбири доирасида амалга оширилаётган ушбу чора-тадбирлар ёнгинлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ҳаёти ва мулкни муҳофаза қилиш ҳамда ҳудудларда хавфсиз муҳитни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Х.НИШАНБАЕВ,

майор,

Ж.УМАРОВ,

капитан,

Чилонзор тумани ФВБ инспекторлари.

Эълон

“МИКОНДЧИ” Боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзоларининг маълумотларини янгилаш тўғрисида (такроран)

Ҳурматли “МИКОНДЧИ” БУШ аъзолари!

Ширкат аъзолар маълумотлар базасини янгилаш учун барчангиздан паспорт, турар жой (прописка) ва ЖШШР (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами) ёки СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами) маълумотларини “МИКОНДЧИ” БУШ ширкатига такдим этишингизни сўраймиз.

Боғланиш учун телефон рақами: +998 93-579-88-72, +998 93-599-52-52.

“МИКОНДЧИ” Боғдорчилик-узумчилик ширкати, жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Халқобод қ.ф.й. Бобур маҳалласи.

Ўўза етиштириш: ҲОСИЛДОРЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ АГРОТЕХНОЛОГИК ҚОИДАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Жумладан, 76 × 10 см., 76 см. қўшқатор ва 66 × 10 см. каби экиш схемаларидан фойдаланиш орқали гектар ҳисобига юқори қўчат қалинлигига эришиш имконияти мавжуд. Айрим технологияларда гектарига 240 минг туп ва ундан юқори ўсимлик жойлаштириш имконияти яратилади. Бундай экиш технологияларини очик майдонда ҳамда плёнка остига экиш усулларида қўллаш мумкин. Плёнка остига экишда тупроқ ҳарорати ва намлигини сақлаш, уруғнинг эрта ва бир текис униб чиқишини таъминлаш ҳамда дастлабки ривожланиш даврини тезлаштириш имконияти пайдо бўлади. Бироқ экиш схемасини танлашда механизация воситаларининг имкониятлари, суғориш тизими, тупроқ шароити, нав хусусиятлари ва кейинги агротехник тадбирларнинг бажарилиш имконияти албатта ҳисобга олиниши кераклиги ёритилган.

Учинчи қоида келажак авлодга тоза ва унумдор тупроқ қолдириш. Вазиримизнинг мазкур қоидасида қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим ва стратегик ресурслардан бири бўлган тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва уни келажак авлодга соғлом ҳолда етказиш зарурлиги назарда тутилган. Тупроқ унумдорлигининг пасайиши, шўрланиш, эрозия, гумус миқдорининг камайиши ва кимёвий ифлосланиш каби салбий жараёнлар узоқ муддатда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятларини чеклаши мумкин.

Шу сабабли, ҳар бир ғўза етиштирувчи хўжаликнинг асосий вазифаси нафақат жорий мавсумда юқори ҳосил олиш, балки тупроқнинг узоқ муддатли унумдорлигини сақлаш, унинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилашдан иборат бўлиши лозим. Бунинг учун органик ва минерал ўғитлардан тупроқ таҳлили ҳамда экин эҳтиёжи асосида меъёрий ва мувоzanатли фойдаланиш, тупроқдаги озиқ моддалар балансини мунтазам назорат қилиш, эрозияга қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш, алмашлаб экиш тизимини жорий этиш, шўрланиш ва деградация жараёнларининг олдини олиш, шунингдек, сув ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тупроқ унумдорлигини сақлашда органик моддаларни қўлайтириш, ўсимлик қолдиқларидан оқилона фойдаланиш, сидерат экинларни жорий этиш ҳамда тупроққа ортқича механик ишлов беришини чеклаш каби чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади. Шу нуктаи назардан, ғўза етиштириш технологиясида асосий мақсад фақат “бугунги ҳосил”ни қўлайтириш эмас, балки “эртанги тупроқ”ни асраш тамойилига асосланиш лозим. Зеро, тупроқ унумдорлигини сақлаш нафақат бугунги ҳосилдорлик, балки келгуси авлодларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Тўртинчи қоида ғўзани озиклантиришда НРК нисбатларини тўғри белгилашдир.

Мазкур қоидада ғўзанинг меъёрга ўсиб-ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил шакллантириши учун НРК каби асосий озиқ элементлардан оқилона ва мутаносиб фойдаланишнинг муҳимлиги таъкидланади. Уларнинг ҳар бири ўсимлик ҳаётида муайян физиологик жараёнларни таъминлаб, ғўзанинг ўсиши, ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли ғўзани озиклантиришда НРК ўғитларини бир хил ёки стандарт меъёрларда эмас, балки илмий асосланган дифференциал ёндашув асосида қўллаш лозим. Бунда, аввало, тупроқнинг агрокимёвий таҳлил натижалари, режалаштирилаётган ҳосил миқдори, ғўзанинг ривожланиш фазалари, нав хусусиятлари, тупроқнинг механик таркиби ва намлик билан таъминланганлик даражаси инобатга олиниши кераклиги назарда тутилган. Энг мақбул озиклантириш тизими “тупроқ таҳлили → ўсимлик эҳтиёжи → озиқ элементлар баланси → мақбул меъёр → қўллаш муддати” тамойили асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ортқича ўғит сарфини камайтириш, озиқ элементлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш имконини беради.

Бешинчи қоида ғўзанинг ўз вақтида пишиб етилишини таъминлаш бўлиб, вазир ушбу қоидага қўйиладиган таърифи беради: ғўзанинг вегетация даврини тўғри бошқариш, ҳосилнинг бир маромда шаклланиши ва ўз вақтида пишиб етилишини таъминлаш юқори сифатли пахта хомашёсини етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ғўзанинг пишиш жараёнини мақбул муддатларда бошқариш теримни қисқа даврда ва ушқоқлик билан ўтказиш, пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини сақлаш ҳамда ҳосил нобудгарчилигини камайтириш имконини беради.

Ўғзанинг барглари тўкиш ва пишиш жараёнини тезлаштириш мақсадида дефолиация ҳамда десикация технологияларидан, жумладан, этефон асосидаги препаратлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ бундай препаратларни қўллаш муддати ва меъёрини белгилашда ғўзанинг биологик ҳолати, қўсақларнинг очилиш даражаси, нав хусусиятлари, об-ҳаво шароити ва майдоннинг агро-экологик ҳолати комплекс равишда ҳисобга олиниши лозим.

Таклиф этилаётган технологияда 1 августдан бошлаб этефон асосидаги препаратлар билан суспензия қўллаш назарда тутилган бўлса-да, ушбу санани барча ғўза майдонлари учун қатъий ва ягона муддат сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ғўзанинг ривожланиш суръати, қўсақларнинг биологик етулик даражаси ва пишиш динамикаси ҳудуд, нав, экиш муддати, сув ва озикланиш шароитига қараб фарқ қилиши

мумкин. Шунинг учун дефолиация ва десикация тадбирларини календарь санасига эмас, балки ғўзанинг ҳақиқий биологик етуклигига асосланган ҳолда белгилаш илмий ва амалий жиҳатдан мақбул ёндашув ҳисобланади.

Бунда майдоннинг ҳолати мунтазам мониторинг қилиниб, препаратнинг тури, қўллаш меъёри ва муддати аниқланган агротехнологик ҳолатга мос равишда танланиши керак. Ўғзанинг пишиш жараёнини бошқаришдан асосий мақсад қўсақларнинг бир вақтга яқин ва бир маромда очилишини таъминлаш, теримни қисқа муддатда ташкил этиш, ҳосил нобудгарчилигини камайтириш ва пахта толасининг сифат кўрсаткичларини сақлашдан иборат. Шу нуктаи назардан, дефолиация ва десикацияни ўз вақтида, мақбул меъёрларда ҳамда ғўзанинг биологик ҳолатини инобатга олган ҳолда қўллаш юқори сифатли пахта хомашёсини олиш ва терим жараёни самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Олтинчи қоида қўсақ куртига чидамли навларни ҳимоя қилиш ва биологик хавфсизлик зонасини ташкил этиш. Зарарқундаларга чидамли навлардан фойдаланиш ғўза ҳосилини сақлаш ва кимёвий ҳимоя воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтиришда муҳим йўналиш ҳисобланади. Қўсақ куртига чидамли навлар экилган майдонлар атрофида зарарқунданда популяциясининг шаклланиши ва тарқалишини назорат қилиш мақсадида ҳимоя зоналарини ташкил этиш мумкин. Сиз таклиф қилаётган ёндашувга қўра, дала четларининг 10-15 фоиз қисмида маҳаллий навларни жойлаштириш орқали ҳимоя зонасини шакллантириш кўзда тутилмоқда. Бундай ёндашувни жорий этишдан олдин уни илмий-тадқиқот ва дала тажрибалари асосида баҳолаш зарур. Чунки чидамли навларнинг самарадорлиги, зарарқунданда турлари ва уларнинг популяция динамикаси ҳудудга қараб фарқ қилиши мумкин. Зарарқундаларга қарши курашда интеграцияланган ҳимоя тизими - агротехник, биологик ва зарур ҳолатларда кимёвий усулларни уйғунлаштириш энг мақбул ёндашув ҳисобланади, дея таъкидлайди.

Еттинчи қоида фермер ва кластер хўжаликларига илмий асосланган технологияларни етказиш бўлиб, ҳар қандай илмий-тадқиқот натижаси ва инновацион ишланманинг амалий самарадорлиги, аввало, уни ишлаб чиқариш жараёнига тўғри ва самарали жорий этиш билан белгиланади. Шу сабабли, юқорида баён этилган илмий асосланган агротехнологик қоидаларни фермер ва кластер хўжаликларига етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва амалиётда қўллаш механизмларини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу қоида доирасида таъкидланганидек, илмий тавсияларни ишлаб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Уларни бевосита фермер хўжаликлари ва кластерлар фаолиятига татбиқ

этиш, натижаларини кузатиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш самарали агротехнологиянинг муҳим шартидир. Бунинг учун фермерлар, агрономлар, кластер мутахассислари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида доимий ва тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Жумладан, янги экиш схемалари, мақбул қўчат қалинлиги, ўғитлаш тизими, суғориш технологиялари, ўсимликларни зарарқундан ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ғўзанинг пишиш жараёнини бошқариш ҳамда экологик талаблар бўйича амалий семинарлар, ўқув-тренинглар ва дала намойишларини мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бунда илмий тавсияларни фақат назарий жиҳатдан тушунтириш билан чекланиб қолмасдан, “дала → тажриба → таҳлил → тавсия → амалиёт” тамойили асосида иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Яъни, тавсия этилаётган технологиялар аввал амалий шароитда синовдан ўтказилиб, олинган натижалар иқтисодий ва агрономик жиҳатдан баҳолалини, шундан сўнг кенг ишлаб чиқаришга жорий этилиши лозим. Шунингдек, жорий этилган агротехнологик тадбирларнинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиш, ҳосилдорлик, ресурслар сарфи ва маҳсулот сифати кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш зарур. Бундай ёндашув илмий ишланмаларнинг амалиётга самарали интеграциялашувини таъминлаб, фермер ва кластер хўжаликларида замонавий, ресурс тежамкор ва экологик барқарор технологияларни кенг жорий этиш имконини беради.

Саккизинчи қоида экологик тозалик ва тупроқни асраш қоидадидир. Бунда илгари сурилаётган асосий талаб – ҳар бир ғўза майдонини пластик ва кимёвий чиқиндилардан тоза сақлаш, тупроқ ва сув ресурсларини ифлосланишдан асрашдир.

Замонавий пахтачиликда юқори ҳосил олиш билан бир қаторда келажак авлод учун унумдор ва экологик тоза тупроқни сақлаб қолиш ҳам асосий вазифа бўлиши керак. Шунинг учун далада плёнка, полиэтилен қоплар, пластик идишлар, ўғит ва кимёвий препаратлар қадоқларини қолдиришга йўл қўйилмаслиги лозим.

Кимёвий препаратлардан бўшаган идиш ва қадоқлар алоҳида йиғилиши, хавфсиз сақланиши ва белгиланган тартибда утилизация ёки қайта ишлашга топширилиши, плёнка ва бошқа пластик материаллар эса далада қолдирилмасдан йиғиб олиниши шарт. Бу қоиданинг асосий мақсади, бугунги ҳосилни олиш билан бирга, эртанги авлодга тоза, унумдор ва экологик хавфсиз тупроқ қолдиришдир.

К. ЖУМАНИЯЗОВ,

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти директори, т.ф.д. профессор.

Қутлов



ТОЛАЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, шу жумладан, илм-фан йўлида
меҳнат қилаётган ҳамкасбларини

Истиклолимизнинг 35 йиллиги

билан муборакбод этади. Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кеziб юрган
айни лаҳзаларда барчангизга бахт-саодат, олиб бораётган эзгу ишларингизда
улкан муваффақиятлар тилайди. Қалбларингиздан соду-хуррамлик, хондорларингиздан
қут-баракат аримасин. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, азизлар!

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА



Анварбек ТУРЕБЕКОВ,
ТИПУ “Иқтисодиёт”
кафедраси профессори.

(Боши 1-саҳифада)

Илмий-тадқиқот йўналишида талабалар миллий ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, конференция ва семинарларда қатнашиш, ўз илмий ғояларини тақдим этиш имкониятига эга. Старт ва инновация йўналишларида эса бизнес-инкубация ва инновация марказлари орқали янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга шароит яратилмоқда. Буларнинг барчаси мустақилликнинг энг катта ютуғи – ёш авлодга ўз келажagini бунёд этиш учун яратилаётган имкониятларнинг амалий ифодасидир.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг илмий, ижодий ва спорт салоҳиятини ривожлантириш, муносиб рағбатлантириш тизими изчил такомиллашмоқда. ТИ-ПУда ҳам талабалар эришаётган ютуқлар бунга яққол мисолдир. Талабаларимиз орасида Президент давлат стипендияси, Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси, ректор стипендияси соҳиблари, Осиё чемпионлари, халқаро ва республика мусобақалари ғолиблари ҳамда “Йил



талабаси” танлови ғолиблари сафидан ўрин олган ёшлар мавжуд. Бу натижалар университетда иқтидорли талабалар билан тизимли ишлашга катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Талабанинг илмий изланиши, спортдаги ютуғи, ижодий қобилияти ёки ижтимоий фаоллиги муносиб рағбатлантирилиши ёшларни янги марралар сари интилишга ундайди.

Университетимиз ютуқларидан “Иқтисодиёт” факультетининг ҳам муносиб ҳисаси бор. 2023 йил август ойидан фаолият юритаётган факультет бугунги кунда таълим ва илмий-тадқиқот йўналишларида изчил ривожланиб бормоқда.

Факультетда жами 2154 нафар талаба тахсил олмоқда. Шундан 2000 нафари сиртки, 140 нафари кундузги ва 79 нафари кечки таълим шаклида тахсил олмоқда. Факультетнинг илмий салоҳияти ҳозирда 47 фойзини ташкил этиб, уни янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Таълим жараёнини ташкил этишда зарур меъёрий ҳужжатлар шакллантирилган. Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасаларининг малака талаблари, намунавий ўқув режалари ва фанларнинг намунавий дастурлари

асосида силлабустар ишлаб чиқилиб, белгиланган талаблар асосида расмийлаштириб борилмоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари таълим жараёнининг долзарб масалаларини ривожлантириш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга илмий ечимлар топишга қаратилган. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари таълим сифатини ошириш билан бира, ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини ҳам кучайтиради.

“Иқтисодиёт” факультети профессор-ўқитувчилари томонидан 2025–2026 ўқув йилида 1 та услубий қўлланма, 1 та монография, 3 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма нашр этилган.

Бу кўрсаткичлар факультет профессор-ўқитувчиларининг илмий изланишлари мунтазам ва тизимли равишда олиб борилаётганидан далолат беради. Факультетда илмий-тадқиқот ва илмий-услубий фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида доимий илмий семинарлар ташкил этилмоқда.

Айниқса, иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ёш иқтисодчи”, “Ёш бухгалтер” ва “Hanover English Course” илмий-амалий тўғрақлари фаолият юритиб, уларга 50 нафардан ортиқ талаба жалб қилинган.

Иқтидорли талабаларни мезонлар асосида саралаш, улар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш, қобилият ва қизиқишларига мос илмий мавзуларни бириктириш орқали ёш тадқиқотчилар билан индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилган.

Факультети жамоаси олдида янги ўқув йилида илмий салоҳиятни 60 фойздан ошириш, ёш илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш, иқтисодиёт йўналиши бўйича илмий даражалар берадиган ихтисослашган илмий кенгаш ташкил этиш каби муҳим вазифалар турибди. Шунингдек, халқаро ва миллий олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик меморандумларини имзолаш, профессор-ўқитувчиларни хорижий олий таълим муассасаларига стажировкаларга юбориш, илмий лойиҳалар танловларида фаол иштирок этиш, халқаро конференциялар ташкил этиш ҳамда нуфузли хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бундан ташқари, иқтисодиёт йўналиши бўйича магистратура таълим дастурини очиш бўйича ташаббуслар ҳам факультетнинг истиқболдаги ривожланиш йўналишларидан биридир. Университетнинг замонавий таълим муҳити, халқаро ҳамкорликка очкилиги, илмий-тадқиқот фаолияти, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими ва рақамли таълим имкониятлари ёшларнинг келажакдаги муваффақияти учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти, илм-фани ва таълими равнақиға хизмат қиладиган янги авлод мутахассисларини тарбиялаш йўлидаги эзгу ишлар бардавом бўлсин!



САМАРАЛИ НАЗОРАТ, РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР САРИ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида сув ҳўжалиги назоратини рақамлаштириш ва шаффофликни таъминлаш йўлида инспекция фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муҳим аниқликлардан бири бўлди.

“Suvnazorat.uz” электрон тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. У орқали инспекциянинг мавжуд 32 та функциясида 22 тасини, яъни 69 фойзини электрон шаклда бажариш имконияти яратилди.

Маъмур тизим сув ҳўжалиги соҳасидаги қонунбузилишлар хавфини таҳлил қилиш, сувнинг кўнлик ҳисобини электрон юритиш, ҳуқуқбузарликларга оид фото ва видео материалларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтирди.

Рақамлаштириш натижасида назорат жараёнларининг шаффофлигини ошириш, инсон омилини камайитириш, хавф даражасидан келиб чиқиб назорат тадбирларини режалаштириш ва маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди.

Инспекция фаолиятида 155 та боди-камера ва планшетлардан фойдаланиш назорат тадбирларини видео қайд этиш, инспектор ва сувдан фойдаланувчи ўртасидаги муносабатларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, асосис эътирозларнинг олдини олиш ҳамда коррупциявий хавфларни камайитиришга хизмат қиладди.



Боди-камералар шунчаки техник восита эмас. Улар замонавий давлат назоратининг муҳим принциплари – шаффофлик, холислик, ҳисобдорлик ва масъулиятни таъминлашга хизмат қиладди.

35 йил давомида жонажон Ватанимиз асрларга татигулик ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги билан барча юртдошларимизни самимий қутлаган ҳолда, меҳнатингиз каби тоза ва мусавфо соғлиқ, обихаётдек чексиз ва баракали умр, хонадонингизга сув оқиб келганидек фойза-у барака келишини тилаб қоламан.

Каналларимиздан сув, дала-ларимиздан барака, юртимиздан тинчлик-осойишталик аримасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Рустам РАҲИМОВ,
“Сувҳўжаликназорат”
инспекцияси бошлиғи.

Эълонлар

ИНВЕСТИЦИЯ ТАКЛИФИ

“Distry for Country” МЧЖ 2024 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида барқарор фаолият юритиб келмоқда.

Ташкилот қисқа вақт ичида ўз фаолиятини йўлга қўйиб, даромад келтираётган ва бозорда ўз ўрнига эга корхона сифатида фаолият кўрсатмоқда. Компаниянинг амалдаги мижозлар базаси, иш жараёнлари ва даромад манбалари шаклланган.

Шу муносабат билан “Distry for Country” МЧЖ таъсисчилари компаниянинг қисман ёки тўлиқ улушини сотиш бўйича таклифларни кўриб чиқади.

Қизиқиш билдирган инвесторлар ва

тадбиркорлар билан учрашув ташкил этилиб, компаниянинг молиявий кўрсаткичлари, фаолияти ва бошқа ҳужжатлар махфийлик шартлари асосида тақдим этилади.

Мурожаат учун:

Телефон: +998 90 174-33-36.

ФИО: Отабек Юлдашев,

E-mail: Otabek.yuldashev@icloud.com

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Сағбон 30 берк кўча, 7 уй.

INVESTMENT OPPORTUNITY

The shareholders of Distri for Country LLC are currently exploring the possibility of attracting a foreign strategic investor and are open to considering the sale of either a partial or 100% equity interest in the Company.

The Company specializes in the field of financial partner search and has an established presence in the market. The shareholders are open to discussing various transaction structures depending on the investor's strategic interest and proposed terms.

Interested investors are invited to contact us for further information. Additional information about the Company and the

proposed transaction may be provided upon request and, where appropriate, following the execution of a confidentiality agreement.

Contact:

Otabek X. Yuldashev
SEO

Email: Otabek.yuldashev@icloud.com

Tel./WhatsApp: +998901743336

All inquiries will be treated on a strictly confidential basis

Қутлов



ЧАП ҚИРҒОҚ АМУДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, жумладан,
тизимда фаолият юритаётган ҳамкасбларини жонажон

Ватанимизнинг 35 йиллик шодиёнаси

билан самимий қутлайди.

Янги Ўзбекистонимизнинг янада чирой очиши,
эртанги кунимизнинг фаровонлиги ва ободлиги йўлидаги

эзгу саъй-ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

Эълонлар

Бадзин Александр Анатольевич номига 1993 йил 17 ноябрда 350 рақами билан берилган мулкни тасдиқловчи муваққат давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Нотариусом, Цой И.М., Янгихаётского района, города Ташкента, открыто наследственное дело после смерти гр. KARIMOVA RAZIYA MUKARAMOVNA, умершей 25 февраля 2018 года. Наследников имеющийся отношение к умершей прошу обратиться по адресу: город Ташкент, Янгихаётский район, ТРК “TASHKENT INDEX”, блок С 2-1006, тел: (95)061-32-13, (90)001-32-13.

11-01/2777 рақами билан 1993 йил 15 февралда Подзерий Ангелина Иванович номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Қўқон давлат педагогика институти томонидан 2022 йил 15 октябрда Юнусова Умида Мухитдин қизи номига берилган қайта тайёрлаш ҳақидаги QT № 071531 рақамли Диплом йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

04-01/23271 рақами билан 2009 йил 20 июлда Анисимова Тамара Александровна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

06-02/246 рақами билан 1992 йил 25 ноябрда Усанова Лазиза Камилловна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.



Agrobank

"Agrobank" ATB jamoasi

barcha vatandoshlarimizni O'zbekiston Respublikasi

Mustaqilligining 35 yilligi

bilan samimiy muborakbod etadi.

**Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo,
xalqimiz farovon, istiqlolimiz abadiy bo'lsin!**



Қадрли ватандошлар!

ЗАРАФШОН МАГИСТРАЛ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*сизларни Истиқлол айёми билан қутлайди.
Илоҳим, шундай тинч, осуда кунларимизга,
байрамларимизга кўз тегмасин!*

**Ҳар биримиз учун жондан азиз бўлган она ватанамиз
сарҳадлари ҳамиша дахлсиз ва мустаҳкам,
халқимиз омон бўлсин!**



*Барча юртдошларимизни
тобора яқинлашиб қелаётган*

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги

*байрами билан муборакбод этамиз.
Ушбу қувончли кунларда ҳонадонларингизга
тинчлик, файзу барақа, дастурхонларингизга
бундан-да тўқин-сочинлик тилаймиз.
Эзгу умид, пок ният ила қилаётган
хайрли ишларингиз доимо барорли бўлсин!*

Оҳангарон Давлат ўрмон хўжалиги жамоаси



Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi kompleksi
tarkibidagi hamda
boshqa daxldor
vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLUMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-817. 1850 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Маркс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.30